

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»**

№ ВМ - 343 - 3400 - 3.01  
«09» \_\_\_ 08 \_\_\_ 2003 й.

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
С.Туляиов  
«1» июль 2003 й.

**«СТАТИСТИКА»**

**фанидан  
ДАСТУР**

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият  
йўналишлари учун**

Тошкент - 2003

**Тузувчи:** проф. М. Ҳамраев

**Тақризчилар:** и.ф.н., проф. Х.Хўжакулов,  
и.ф.н., доц. А.Набихўжаев.

Мазкур ўқув дастури «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги Олий ўқув юртли ва факультетлари талабалари учун мўлжалланган. Дастур ягона ва яхлит «Статистика» фанининг таркибий қисмлари: Статистиканинг умумий назарияси, Макроиктисодий статистика ва Микроиктисодий (молия) статистикасини ўз ичига олади. Бунда ижтимоий - иқтисодий ва иқтисодий - молия соҳасида юз берадиган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги дастлабки ва йиғма маълумотларни тўплаш (статистика кузатуви), уларга ишлов бериш ва умумлаштирувчи статистика кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали таҳлил ва талқин қилиш борасидаги статистика фани назарияси ва амалиёти баён қилинади. Бу дастурдан шу йўналишдаги коллежлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Данная учебная программа предназначена для студентов высших учебных заведений и факультетов в области знания «Бизнес и управление». Программа состоит из 3 - х составных частей единого и целого курса «Статистика»: Общая теория статистики, Макро и микроэкономическая статистика. В ней излагаются вопросы статистической науки и практики сбора данных, их обработки и интерпретации при помощи исчисления обобщающих статистических показателей. Данная программа может быть использовано и в коллежах такого профиля.

The given educational program is intended for the students of higher educational institutions and faculties on a direction "Business and management". The program consists of 3 components of a uniform and whole course "Statistics": the theory of statistics, macro and microeconomic statistics. In it the questions of a statistical science and practice of data gathering, their processing and interpretation are stated through calculation of generalizing statistical parameters. The given program can be used and in colleges of such structure.

## 1. СЎЗ БОШИ

### Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

Бозор иқтисодиёти шароитида тайёрланаётган иқтисодчиларнинг статистика фани ва фаолияти бўйича билимларини ошириш, реал молия -

иқтисодий информацияларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини пайдо қилишни тақозо этади. Маълумки “Бизнес ва бошқарув” таълими соҳасидаги талабаларга ўқитиладиган ягона ва яхлит “Статистика” курси бир неча таркибий қисмлардан (статистиканинг умумий назарияси, иқтисодий статистика, макроиқтисодий ва микроиқтисодий статистика ва бошқалар) иборатдир. Чунончи статистиканинг умумий назарияси қисмида оммавий ижтимоий - иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги дастлабки (бирламчи) маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, таҳлил ва талқин қилинишнинг умумий қоида ва усулларини ўргатади. Макроиқтисодий статистика - барча тармоқ, сектор, блоклар статистикалари ва бошқа молия - иқтисодиёт фанлари учун умум - услубий асос бўлиб хизмат қилади. Бунда иқтисодий фаолиятни тармоқ, сектор ва блоклар, ҳамда яхлит иқтисодиёт бўйича кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳолайди, таҳлил қилади ва башоратлайди. Макроиқтисодий статистика мамлакат иқтисодиётини халқаро доираларга кўрсатади ва унинг маълумотлари асосида халқаро таққослашувлар амалга оширилади. Микроиқтисодий статистика қисмини ўқитилиши натижасида талабалар давлат молияси, номолиявий корхоналар молияси, молия муассасалари молияси, ички иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва қолган дунё молиясига оид маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилишнинг асосий қоида ва усулларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар.

Шунинг учун статистика фани бўйича саводхонлиги даражасига кўра тайёрланаётган бакалаврларнинг билим даражасига баҳо берилади.

**Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

Олий таълимнинг 5340000 – «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартида кўрсатилган бакалавр тайёрлаш савияси ва мазмунига “Статистика” фани бўйича минимум талабларга жавоб бермоғи зарурдир.

Талаба бу курсни битиргач иқтисодиётда юз бераётган жараёнларни миқдорий баҳолаш учун дастлабки ва йиғма статистика маълумотларини тўплаш, статистика кўрсаткичларини ҳисоблаш, натижаларини таҳлил ва талқин қилиш, иқтисодий диагностика билан шуғулланиш ва бошқа кўникмаларига эга бўлмоғи даркор

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

“Статистика” фанини самарали ўрганиш учун талабалар олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, иқтисодиёт назарияси,

бухгалтерия ҳисоби, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт (ш.ж. молия, кредит, солиқ, корхона иқтисодиёти) фанларидан етарли маълумотларга эга бўлмоқлари зарур. Шунингдек улар иқтисодий - математик усулларидан ва компьютерда статистикага оид стандарт дастурлардан, интернет тизимидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмоқлари даркор.

Статистика молия - кредит ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари бўйича рефератлар, курс ва малакавий битирув ишларини ёзиш ва ҳимоялаш, илмий тадқиқотларни ўтказишда кенг қўлланилади. Ушбу ўқув дастури намунавий бўлиб, унинг асосида олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари иш дастурларини тузишлари мумкин.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

“Статистика” фани бўйича маъруза ва амалиёт машғулотларини ўтказишда (компьютерларда стандарт дастурлар асосида) “Интернет” тармоғида жойлаштирилган халқаро ташкилотлар (UNStat, WBank, IMF, EuroStat ва ҳоказо) нинг статистика хизматлари, МДХ Статкомитети, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари, кўрсатмалари, йўриқномаларидан фойдаланиш, тарқатма материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, фаннинг ҳамда статистика фаолиятининг замонавий муаммоларини ўз ичига олган тематика асосида илмий - услубий шарҳлар ва рефератлар тайёрланади. Имконият даражасида ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланилади. Тест тизими ва назоратнинг барча турлари қўлланилади.

### **Фанни ўқитишнинг семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

Намунавий ўқув режаси бўйича бу фан III - IV - V семестрларида ўқитилади. Бунда III семестрда ягона ва яхлит фаннинг биринчи қисми – Статистиканинг умумий назарияси, IV - семестрда иккинчи қисми – Макроиқтисодий статистика ва V семестрда – Микроиқтисодий (молия) статистикаси ўқитилади.

### **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажм**

Намунавий ўқув режасида “Статистика” фанига 243 соат ажратилган бўлиб, унинг 90 соати маъруза, 72 соати амалий машғулот ва 81 соати мустақил таълимдан иборат.

## **2. «СТАТИСТИКА» ФАНИНИНГ I - ҚИСМИ (СТАТИСТИКА УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ) ДАСТУРИ**

### **Статистика фанининг асосий масалалари**

Статистика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Статистика ҳақида тушунча. Статистика фанининг вужудга келиши. Статистика фани ривожланишининг асосий йўналишлари: давлатшунослик, сиёсий арифметика мактаби ва статистик - математик йўналиш. Статистика фанининг шаклланиши ва ривожланишида бухгалтерия ҳисоби, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанларининг аҳамияти. Марказий Осиёда статистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ғарбдаги асосий статистика мактаблари.

Статистиканинг предмети ва методлари. Статистиканинг предмети, у ҳақидаги илмий бахслар. Статистиканинг назарий асослари. Умумбашарий фалсафа, иқтисодиёт назарияси ва математик статистика статистиканинг назарий ва услубий асослари. Статистика ва табиий, техника - технология, иқтисодий фанларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Статистиканинг асосий тушунчалари: тўплам, тўплам бирлиги, фарқланувчи белги, статистик вазн, статистика кўрсаткичи ва бошқалар. Статистика услубиятининг хусусиятлари. Статистиканинг умум - илмий ва махсус методлари. Статистика тадқиқотининг анъанавий ва замонавий методлари. Статистика тадқиқотининг босқичлари.

Статистика фани ва фаолиятининг таркибий қисмлари, табақаланиши ва ўрганиш босқичлари. Статистиканинг умумий назарияси ва унинг таркиби. Бозор иқтисодиёти шароитида статистика вазифаларининг равшанлашуви.

*Статистика фаолиятининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикасида статистика фаолиятини ташкил қилинишининг ҳуқуқий асослари. Асосий қонун, “Давлат статистикаси тўғрисидаги қонун” (12.12.2002), расмий статистика стандартлари (андозалари), халқаро нормалар ва битимлар. Ўзбекистон Республикасида асосий статистикани жаҳон стандартлари, қоида ва тушунчалари асосида реформа қилиш ва МХТ(SNA)ни жорий этиш борасидаги Давлат дастурини бажарилиши. Халқаро ташкилотлар, МДҲ ва бошқа чет эл давлатларида статистикани ташкил этилиши. Статистика соҳасида халқаро ҳамкорлик. Жорий ва асосий статистика.*

### **Статистика кузатуви**

Статистика ахбороти (информацияси) ҳақида тушунча. Ягона ахборот майдони: моҳияти ва ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикасида статистика кузатувини ўтказувчилар: давлат статистика кузатувчи, тармоқ (идоравий) статистика кузатувчи ва бошқалар. Статистика кузатувларини ўтказиш

объектларининг бош тўплами. Ўзбекистон Республикасида ЕГРПО (корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри) нинг жорий этилиши.

Статистика кузатувчининг асосий ташкилий шакллари, турлари ва усуллари. Статистика кузатуvinинг дастур – услубият масалалари. Кузатувнинг регистр шакли. Ўзбекистон Республикасида МХТ (SNA) ни жорий этилиши ва информация ресурслари ва асосларини реформация қилиниши. Хўжалик фаолиятини тадқиқ қилиш тизимини ташкил қилиниши (бизнес - тадқиқот). Статистика кузатуvinинг ташкилий масалалари. Статистика кузатуvinини ташкил қилиш, маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилишда банк технологиясидан фойдаланиш. Статистика кузатувида йўл кўйиладиган хатолар. Статистика кузатувида – статистиканинг асосий принциплари: ишончлилик, холислик, беғаразлик, долзарблик, қулайлик, киёсийлик ва барқарорлик, очик - ойдинлик ва ошкораликни таъминлаш борасидаги вазифалар.

Давлат статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатганлик, статистика маълумотларини яширганлик ва давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлиги учун жавобгарлик. *Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар статистикасида кузатувнинг назарияси ва амалиёти.*

### **Статистика кузатуви материалларига ишлов бериш (мажмуалаш, гуруҳлаш, статистика жадваллари)**

Статистикада мажмуалаш ва гуруҳлашнинг аҳамияти. Маълумотларни тўплаш ва ишлов беришнинг банк технологиясини жорий этилиши шароитида бирламчи маълумотларга ишлов беришнинг вазифалари ва дастури. Ҳисобот ва махсус ўтказиладиган статистика тадқиқотлари материалларини мажмуалаш хусусиятлари.

Статистика маълумотларини гуруҳлаш. Гуруҳлаш ва таснифлаш (классификация). Гуруҳлашнинг турлари: типологик, тузилмавий (структуравий), аналитик ва бошқалар. Гуруҳлаштириш белгиси. Гуруҳлар сони ва интерваллар (тенг, тенг бўлмаган ва махсус). Гуруҳлаштиришда вариация кўрсаткичларидан фойдаланиш. Гуруҳлаш натижаларини иқтисодий - статистик баҳолаш. Статистика гуруҳларини таққослаштириш. Худудий, даврий (вақтли), баланс ва бошқа турдаги гуруҳлаштиришлар.

Статистикада кўп белгили ва кўп ўлчамли гуруҳлаштиришлар. Кўп ўлчамли гуруҳлаштиришнинг мақсади ва бошқичлари. Кўп ўлчамли классификацияларни амалга оширишда кўлланиладиган усуллар (дендритлар усули, шарлар усули, кўп ўлчамли ўртачалар ва бошқалар).

Статистика тақсимот қаторлари, уларнинг турлари. Варианталар ва частота (такрорланиш сони)лар. Тақсимот қаторларини графикларда тасвирлаш.

Статистика жадваллари. Жадвал макети, эгаси ва кесими. Жадвалларнинг эгаси хусусияти буйича турлари. Оддий, гуруҳли ва комбинацияли жадваллар. Статистика жадвалларини тузишнинг асосий қоидалари. Жадвалларни ўқиш ва таҳлил қилиш.

*Статистикада график усули. Статистикада графикларни қўлланишининг ривожини, унда А. Кроне, У. Плейфер, А. Кетле, Л. Бизов ва бошқаларнинг хизматлари. Графикларнинг асосий элементларини (қисм, унсурлари) тузиш қоидалари.*

*Графикларнинг турлари. Диаграммалар, харитограммалар ва статистика эгри чизиқлари. Тўпلام тузилмаси, тақсимот қаторлари, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғланишларни графикда тасвирлаш усуллари. Худудий таққослашларни графикларда тасвирлаш.*

### **Статистика кўрсаткичлари**

Статистика кўрсаткичлари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва функциялари. Кўрсаткичларнинг тавсифи, турлари. Статистика кўрсаткичларига қўйилган асосий талаблар. Сифат, макон, замон ва миқдор аниқликларни бирлигида мавжуд бўлиши. Кўрсаткичларни назарий асосланиши, таққослана олишлиги, ишончлилиги, аниқлилиги. Хатоларнинг сабаб (манба)лари. Кўрсаткичларнинг аниқлилиги даражалари.

Статистика кўрсаткичлари тизими. Кўрсаткичлар ўртасидаги семантик, стохастик ва функционал боғланишлар. Иқтисодий ва социал индикаторлар, мураккаб ижтимоий - иқтисодий муаммолар буйича мониторинг хизмати фаолияти учун индикаторлар.

Статистика кўрсаткичларини ифодалаш шакллари. Абсолют (мутлақ) миқдорлар, уларнинг турлари, ўлчаш усуллари. Нисбий миқдорлар: аҳамияти, ифодалаш шакллари, турлари. Абсолют ва нисбий миқдорларни биргаликда (комплекс) қўллашнинг муҳимлиги. Ўзбекистон Республикасида асосий ва жорий статистика кўрсаткичларини халқаро стандартлар, тушунча ва қоидалар асосида ҳисоблашга ўтиш борасидаги Давлат дастурининг бажарилиши.

### **Ўртача миқдорлар**

Ўртача миқдор (даража)лар: моҳияти ва аҳамияти. Ўртача миқдорлар тўғрисидаги илмий - амалий баҳслар (И.Зюсмилъх, А.Кетле, А.Баули, К.Джини, А.Боярский, И.Пасхавер, В.Овсиенко ва бошқалар). Ўртача ва

нисбий миқдорлар. Ўртача миқдорлар ва гуруҳлаштириш. Ўртача миқдорлирни қўллашнинг асосий шартлари.

Ўртача миқдорларнинг классификацияси. Аналитик ва тузилмавий ўртачалар. Ўртача арифметик, ўртача гармоник ва бошқа аналитик ўртачалар. Ўртачалар шакли ва турини танлаш муаммолари. Ўртача миқдорларнинг математик хоссалари ва улардан фойдаланиш.

Тузилмавий (структуравий, позицион) ўртачалар. Мода, медиана, кватили, децили ва бошқалар. Тузилмавий ўртачалардан статистика тадқиқотларда қўлланилиши. *Кўп ўлчамли ўртачалар, моҳияти, ҳисоблаш усуллари, аҳамияти.*

### **Вариация кўрсаткичлари**

Вариация ҳақида тушунча, унинг мавжудлигининг сабаблари. Вариацияни статистикада ўрганишнинг зарурлиги ва вазифалари. Вариациянинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Вариация кенглиги, ўртача мутлоқ (арифметик) фарқланиш, дисперсия, ўртача квадратик (стандарт) фарқланиш. Вариациянинг нисбий кўрсаткичлари: осцилляция коэффиценти, вариация коэффиценти ва бошқалар. *Вариация кўрсаткичлари ўртасидаги нисбатлар (боғланишлар).*

Дисперсия турлари ва дисперсияларни қўшиш қоидалари. Умумий дисперсия, гуруҳлараро дисперсия ва гуруҳлар ичидаги ўртача дисперсия. Дисперсиянинг муҳим математик хоссалари ва улардан фойдаланиш. *Шепард тузатиши: моҳияти, зарурлиги.* Муқобил (альтернатив) белги дисперсияси.

*Тақсимот қаторларида вариацияни статистикада ўрганиш. Тақсимот қонунлари. Иқтисодий - статистик тадқиқотларда нормал тақсимотнинг аҳамияти. Эмпирик ва назарий тақсимотларнинг мувофиқлигини баҳолаш мезонлари.*

### **Статистикада танлама методи**

Танлама методи ҳақида тушунча. Бозор иқтисодиёти шароитида уни қўллаш сабаблари ва асосий шартлари. Танлама методининг назарий асослари. Чебишев П.Л., Ляпунов А.М., Марков А.А., Борткевич В.И., Боули А., Пирсон К. Эджворт, Нейман Б., Кокрен У., Йейтс Ф., Романовский В. ва бошқаларнинг илмий ишларида танлама метод назариясининг ривожлантирилиши. Танлама кузатувининг босқичлари. Бош ва танлама тўплам. Бош ва танлама тўпламни тавсифловчи асосий умумлаштирувчи кўрсаткичлар.

Танлама тўпламни ташкил қилиш усуллари. Бош тўпламдан бирликларни танлаб олиш усуллари. Тасодифий, механик, типик, районлаштирилган ва



бошқа турдаги танлаш усулларининг ташкилий ва услубий хусусиятлари. Кўп фазали танлаш, моментли (фурсатли) танлаш ва кичик танлама ва бошқалар. Анкета усулида танлама кузатуви.

Танлама кузатувидаги хатолар. Танлама тўпламга кирган бирликларнинг сони ва салмоғи, вариация даражаси, ишонч коэффициенти ва бошқа факторларнинг танлама кузатуви хатоларига таъсири. Ўртача хато ва хатонинг юқори чегарасини аниқлаш. Ишонч коэффициенти ва ишонч чегаралари. Танлама кузатуви натижаларини бош тўпламга тарқатиш усуллари. Танламанинг зарурий миқдорини аниқлаш. Иқтисодий - статистика амалиётида ёппасига ва танлама кузатувини бирга қўшиб ўтказиш (ценз тадқиқотлари). Молия - иқтисодий ва социал тадқиқотларда танлама методининг қўлланилиши.

**Ўзаро боғланишларни статистикада ўрганиш**

Ҳодиса ва жараёнларни умумий боғланишлари. Боғланишларнинг статистикада танилган турлари ва шакллари. Молия - иқтисодий кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни статистикада ўрганиш вазифалари. Боғлиқликларни тадқиқ қилишда ҳодиса мазмунини таҳлил қилишнинг аҳамияти.

Боғланишларни статистикада ўрганиш усуллари: ёндош қаторлар усули, аналитик гуруҳлаш, графикда тасвирлаш, индекс усули, баланс усули ва бошқалар. Иқтисодий - статистика тадқиқотларида дисперсион таҳлилни қўлланилиши.

Корреляцион - регрессион таҳлил. Молия - иқтисодиёт соҳасидаги ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш учун регрессия тенгламасининг шаклини танлаш. Жуфт, хусусий ва кўп факторли корреляция.

Боғланиш кучи (зичлиги)нинг кўрсаткичлари. Корреляция индекси, детерминация коэффициенти, корреляциянинг чизикли коэффициенти, корреляциянинг ранг (мартаба) коэффициенти. Боғланишларни баҳолашнинг нопараметрик усуллари. Корреляцион - регрессион таҳлил натижаларини баҳолаш.

*Социал (ижтимоий) ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш усуллари.*

**Ижтимоий - иқтисодий ҳодисалар динамикасини статистикада ўрганиш**

Динамика қаторлари ҳақида тушунча. Динамика қаторларининг турлари, уларни тузишнинг асосий қоидалари (замон, макон ва услубий масалалари).

Динамика қаторларининг асосий аналитик кўрсаткичлари. Мутлоқ ўсиш (пасайиш), суръати, қўшимча ўсиш (пасайиш) суръати, 1% қўшимча ўсиш

суръатининг абсолют мазмуни. Динамика қаторларини таҳлил қилишда ноанъанавий кўрсаткичлардан фойдаланиш: жадаллаштириш (секинлаш) суръати, кучайтириш (бўшашиш) суръати ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти шароитида ноанъанавий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилиши.

Динамика қаторларида ўртачалар. Улар (ўртача даража, ўртача ўсиш ва кўшимча ўсиш суръати)ни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Нисбий ва ўртача миқдорлардан тузилган динамика қаторларини ўрганиш хусусиятлари.

Динамика қаторларининг даражаларининг компонентлари (таркибий қисмлари): тренд, циклик (ш.ж. мавсумий) қисм ва тасодифий ўзгарувчанлик. Динамика қаторларида трендни белгилаш усуллари: қаторларни ягона асосга келтириш, сирғанчиқ ўртача даражаларини ҳисоблаш, аналитик текислаш ва бошқалар. Мавсумийлик ва уни статистикада баҳолаш усуллари. *Иқтисодий барометрлар ҳақида тушунча, уларни ҳисоблаш ва фойдаланиш масалалари. Конъюнктура статистикасини ташкил қилишнинг зарурлиги.*

*Динамика қаторларида экстраполяция ва тахминлаш. Ўзаро боғланган (ўзаро алоқали) динамика қаторларини таҳлил қилиш*

### **Иқтисодий индекслар**

Иқтисодий индекслар: моҳияти, аҳамияти ва ривожланиши тарихи. Индексларнинг классификацияси. Индивидуал ва йиғма (умумий ва гуруҳли) индекслар. Йиғма индексларнинг синтетик ва аналитик хоссалари. Агрегат индекси - йиғма индексларнинг асосий шаклидир.

Миқдорий кўрсаткичлар индекслари. Индекслаштириладиган миқдорларни бир ўлчам (андоза)га келтириш муаммолари. Муҳим миқдорий кўрсаткичлар индекслари.

Сифат кўрсаткичлар индекслари: баҳо, таннарх, фоиз ставкалари ва бошқалар. Баҳо индексларини ҳисоблашда вазн масаласи. Э.Ласпейрес (Ф.Вирст), Г.Пааше, (Т.Манн), А.Маршалл (Ф.Эджворт), И.Фишер индекслари. Ўртача даражанинг динамикасини индекс методи ёрдамида ўрганиш. Индекслар ўртасида боғлиқлик.

Фактор индекс анализи. Иқтисодий кўрсаткич ва кўшимча ўсиш (абсолют ва нисбий) факторлари ҳиссасини баҳолаш.

*Ҳудудий индекслар.*

Макроиқтисодий анализда индекслардан фойдаланиш. Макроиқтисодий кўрсаткичларни мамлакатлараро таққослаш, дефлятор - индекслар, истеъмол баҳолари индекси, қимматли қоғозлар бозори ҳолатини ўрганувчи (фонд) индекслар ва бошқалар.

## **Таркибий тузилишни статистикада ўрганиш**

Таркибий тузилишнинг (структура) моҳияти ва ўрганиш вазифалари. Структура ва структуравий силжиш кўрсаткичлари. Структуравий силжишларни йиғма ҳолда баҳолаш усуллари: чизиқли коэффициент, квадратик коэффициент. К.Гатевнинг интеграл коэффициенти, Салаи индекси.

Концентрация ва марказлашувнинг статистик кўрсаткичлари. Аҳоли даромадлари, сарф ва истеъмоли, мулкӣ табақаланишини ифодалашда Лоренц эгри чизиғи ва Джини коэффициентидан фойдаланиш. *Тўпلام структурасини ва уни ўзгаришини графикда тасвирлаш.*

## **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИНИНГ МАЗМУНИ**

### **Статистика кузатуви материалларига ишлов бериш (мажмуалаш, гуруҳлаш, статистика жадваллари)**

Статистика маълумотларини гуруҳлаш. Гуруҳлаштириш белгисини танлаш, гуруҳ ва гуруҳлар орасидаги интервални белгилаш.\* Вариация кўрсаткичларидан гуруҳлаштиришда фойдаланиш. Гуруҳлаштириш натижаларини иқтисодий - статистик баҳолаш.\* Статистикада кўп ўлчамли гуруҳлаш: моҳияти, усуллари.

### **Статистика кўрсаткичлари**

Абсолют (мутлақ) миқдорлар: асосий турлари, ҳисоблаш турлари.\* Нисбий миқдорлар, уларнинг моҳияти, аҳамияти, ифодалаш шакллари, турлари.\*

### **Ўртача миқдорлар**

Аналитик ўртачалар: арифметик ўртача, гармоник ўртача ва бошқа турдаги аналитик ўртача миқдорларни ҳисоблаш.\* Ўртача турини танлаш мезонлари. Ўртача миқдорларнинг математик хоссалари ва улардан фойдаланиш.

### **Вариация кўрсаткичлари**

Вариациянинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш.\* Дисперсияларни кўшиш қоидаси.\*

### **Статистикада танлама методи (кузатуви)**

Танлама тўпلامни ташкил қилиш усуллари. Вакиллилик хатоси, унинг даражасига таъсир этувчи факторлар.\* Турли усуллар ёрдамида танлама тўпلامни ташкил қилишдаги ўртача хато ва хатонинг юқори чегарасини

ҳисоблаш. Танлама кузатув натижаларини баҳолаш ва бош тўпламга тарқатиш усуллари. Танламанинг зарурий (оптимал) миқдорини аниқлаш.

### **Ўзаро боғланишларни статистикада ўрганиш**

Ўзаро боғланишларни статистикада ўрганиш. Иқтисодий - статистик тадқиқотларда дисперсион таҳлилни қўлланилиши. Корреляцион - регрессион таҳлил.\* Регрессия тенгламаси, унинг параметрларини ҳисоблаш усуллари.\* Боғланиш (зичлик) кучи кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш.\*

### **Ижтимоий - иқтисодий ҳодисалар динамикасини статистикада ўрганиш**

Динамика қаторларининг турлари, уларни тузиш қоидалари.\* Ижтимоий - иқтисодий ҳодисалар динамикасининг аналитик кўрсаткичлари.\* Нисбий ва ўртача миқдорлардан тузилган динамика қаторларини ўрганиш хусусиятлари. Динамика қаторларида ўртачалар.\* Динамика қаторларини қайта ишлаш усуллари.\* Динамика қаторларида барқарорлик ва ўзгарувчанлик, мавсумийликни баҳолаш. Динамика қаторларида экстраполяция ва тахминлаш. Иқтисодий барометрлар. Конъюктура статистикаси.

### **Иқтисодий индекслар**

Индивидуал индекслар.\* Йиғма индекслар.\* Йиғма индексларнинг шакллари: агрегат шакли ва ўртача индекслари.\* Доимий ва ўзгарувчан асосли ва вазнли индекслар. Ўртача даражалар динамикасини индекслар ёрдамида таҳлили.\* Ўзгарувчан ва ўзгармас таркибли йиғма индекслар, структура силжиши индекси.\* Факторли индекс анализи. Макроиқтисодий тадқиқотларда индекслардан фойдаланиш.

### **Таркибий тузилишни статистикада ўрганиш**

Таркибий тузилиш (структура) ва таркибий тузилишдаги ўзгаришларни статистикада баҳолаш.\* Концентрация ва марказлашувнинг статистик кўрсаткичлари.\* Лоренц эгри чизиғи. Джини коэффициенти ва бошқалар.\*

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

- - Кўргазма - намойиш материаллари рўйхати

Барча мавзулар бўйича статистика жадваллари, чизмалар ва графиклардан фойдаланилади.

IMF, WBank, UNStat, Eurostat, МДХ статкомитети, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистикага оид материаллари (йилномалар, кўрсатмалар, йўриқномалар, статистика шакллари) ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида кўрсатилади ва фойдаланилади.

- - Амалиёт дарсларини ўтказишда статистикага оид стандарт дастурлардан фойдаланилади.
- - “Интернет” тизими материалларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ**

«Статистика» фанининг I - қисмини талабалар томонидан ўзлаштирилиши назоратнинг қуйидаги турлари ёрдамида баҳоланади: Жорий баҳолаш (12,6 баллгача), оралиқ баҳолаш (25,2 баллгача) ва якуний баҳолаш (16,2 баллгача); жами 54 балл. Бу фан учун белгиланган максимал баллдир.

Назорат ишларини ўтказишда талабаларнинг дарсларга катнашуви, фаоллиги, ўқув ва қўшимча ҳолда илмий - услубий адабиётлардан, «интернет» тизимидан ва реал ижтимоий - иқтисодий статистика маълумотларидан фойдаланиши ва бошқа фаоллиги эътиборга олинади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни "Давлат статистикаси тўғрисида"(12.12.2002). //Халқ сўзи, 2002 йил 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида”//Халқ сўзи, 2002 йил 26 декабрь.
3. Абдуллаев Ғ.А. Статистика назарияси. Дарслик, - Т., 2002.
4. Елисеева З., Юзбашев М.М. Общая теория статистики. Учебник, 4 - издание, - М.: ФиС, 1999.
5. Сагатов Н.М. Статистика. Дарслик, - Т., 2003.
6. Теория статистики. Учеб./Под. ред. Р.А.Шмойловой. - М. ФиС, 2001.
7. Теория статистики с основами теории вероятностей. Под. ред. И.И.Елисеевой., - М.: Юнити - Дана, 2001.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Адамов В.Е. Факторный индексный анализ. - М.: Статистика, 1977.
2. Аллен Р. Экономические индексы. - М.: Статистика, 1980.
3. Аксенова Т.В. Распространение информации из статистических баз данных.//Вопросы статистики, 5/2000.
4. Allen L.Webster “Applied Statistics for Business and Economics”. Second Edithion. IRWIN,1995.
5. Беляевский И.К. Статистика в теории и прикладных исследованиях.//Вопросы статистики, 6/1999.
6. Боровиков В.П. Русифицированная версия “Statistica” - системный подход к анализу экономических данных.//Вопросы статистики, 9/2000.
7. Бызов Л.А. Графические методы в статистике, учете и планирование. - М.: Госпланиздат, 1940.
8. Венецкий И.Г. Венецкая В.И. Основные математические понятия и формулы в экономическом анализе. - М.: Статистика, 1974.
9. Деев Г.И. Несплошное статистическое наблюдение (проблемы, методы, технология, организация). Монография. - М.: МИПК Госкомстата России, 2000.
10. Джессон. Методы статистических обследований. - М.: ФиС, 1985.
11. Джини К. Средние величины. - М.: Статистика, 1979.
12. Казинец Л.С. Теория индексов - М.: Госиздат, 1963.
13. Кевеш П. Теория индексов и практика экономического анализа. - М.: ФиС, 1990.
14. Кендель М., Временные ряды. - М.: Статистика, 1981.
15. Кокрен У. Методы выборочного исследования. - М.: Статистика, 1976.
16. Котляровская Т.И. и др. Современная концепция качества статистических данных и её использования в статистической практике. //Вопросы статистики, 5/2002.
17. Lind D.H., Mason R.D. “Basic statistics for Business and Economics” R.Irvin, inc, 1994.
18. Миллс Ф. Статистические методы. - М.: Госстатиздат, 1958.
19. Михайлова Т.М., Юзбашев М.М. О множественности показателей признака.//Вопросы статистики, 9/2001.
20. R.I. Levin, D.S. Rubin “Statistics for managements.” Prentice Hall, Englewood Cliffs, N.Jersey, 1994.
21. Статистический словарь. - М.: Финстатинформ. 1996.

22. Соколин В.Л. Система Государственной статистики: тактика и стратегия развития.//Вопросы статистики, 1/2001.
23. Симчера В.М. и др. Зарубежный опыт построения и публикации долговременных историко - статистических рядов.// Вопросы статистики, 10 - 11/2000.
24. Симчера В.М. и др. Энциклопедия статистических публикаций: X - XX вв. - М., 2001.
25. Ферстер, Ренц. Методы корреляционного и регрессионного анализа. - М.: ФиС, 1981.
26. Харченко Л.П. История статистики. Учеб. пос. - Новосибирск: 1997.
27. Hanke J.E., Reitsch A.G. "Understanding Business Statistics". Second edition, R.Irvin, inc, 1994.
28. Йейтс Ф. Выборочный метод в переписях и обследованиях. - М.: Статистика, 1965.
29. Швырков В. Критический анализ статистических школ запада.//Вопросы статистики, 4/1997.
30. Пряхина Е.В, Божко В.П. Перспективная технологическая схема электронной обработки статистических данных.//Вопросы статистики, 9/2000.
31. Шейнин О.Б. Теория статистики: исторический эскиз.// Вопросы статистики, 9/2002.

## **«СТАТИСТИКА» ФАНИНИНГ II - ҚИСМИ (МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА) ДАСТУРИ**

### **Макроиқтисодий статистиканинг асосий масалалари**

Макроиқтисодий барқарорлаштириш ва сеҳрли тўртбурчак вазифаларини бажаришда макроиқтисодий изланишларнинг зарурлиги ва аҳамияти. Макроиқтисодий статистиканинг предмети, курснинг структураси. Макроиқтисодий статистика муаммолари ҳақида илмий - амалий баҳслар. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган умумилмий методлар, махсус ёндашувлар, иқтисодий - математик методлар.

Макроиқтисодий статистиканинг кўрсаткичлари тизими. Ўтиш иқтисодиёти даврида макроиқтисодий статистиканинг кўрсаткичларини миллий тизимини тузиш хусусиятлари. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий - сиёсий ҳавфсизлиги кўрсаткичлари. Миллий рақобатбардошлик: моҳияти, омиллари, кўрсаткичлари.

Мухим умумиктисодий таснифлар, гуруҳлаштиришлар, номенклатуралар ва уларнинг макроиктисодий изланишлардаги аҳамияти. Миллий иқтисодиётнинг тармоқлари, секторлари, блоклари классификация (таснифи)си, иқтисодий фаолият, маҳсулот ва хизматларни классификатори.

*Ўзбекистон Республикасида МҲТ (миллий ҳисоблар тизими)ни жорий этиш ва асосий статистикани жаҳон андоза (стандарт)лари асосида реформация қилиш борасидаги вазифалар, эришилган ютуқлар ва муаммолар. Бу борадаги Давлат дастури (ВМ нинг 24.08.94йилдаги № 433 қарори) ва унинг бажарилиши.*

### **Аҳоли ва меҳнат ресурслари статистикаси**

XXI асрда юз берадиган демографик ҳолат ва аҳоли статистикасининг вазифалари. Аҳолининг сони, таркиби, категориялари ва жойланиши кўрсаткичлари. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати статистикаси. Аҳолини кутиладиган ўртача умр кўриши кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш. Аҳолининг келажакдаги сонини ҳисоблаш методлари. Аҳолини ижтимоий тавсифлаш кўрсаткичлари: билим кўрсаткичлари, аҳолини соғлиғи (ёки касалланиши) ва тиббий ёрдамга, тоза сувга ва санитарияга эга бўлиш имкониятлари.

Меҳнат ресурслари статистикаси: моҳияти таркиби, ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2002 даги 42 - сонли “Аҳолини иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори ва статистиканинг вазифалари. Меҳнат ресурсларининг ҳисобот балансларини тузиш ва иқтисодий - статистик таҳлил қилиш. Меҳнатга яроқли аҳолининг демографик юклама кўрсаткичлари. Меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичлари: билим потенциали, билим даражаси, иқтисодий баҳоси, ПРООН - UNDP нинг инсон таракқиёти дастуридаги бошқа кўрсаткичлар.

Иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли. Ишчи кучи сони, таркиби, ҳаракати ва сифати кўрсаткичлари.

Бандлик статистикаси кўрсаткичлари. Бандликдаги статуси бўйича аҳоли классификацияси. Иш билан бандларнинг сони, таркиби ва ҳаракати статистикаси. Ишламаётганлар ва ишсизлар статистикаси. Ишсизликнинг шакллари, турлари ва даражалари. Ишсизлик даражасининг динамикаси ва ишсизликнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини статистикада баҳолаш.

### **Миллий бойлик статистикаси**



Миллий бойлик - макроиктисодий таҳлилнинг таянч нуқтаси, мамлакатнинг иқтисодий кудратини ифодаловчи кўрсаткичдир. Миллий бойликнинг таркиби, ҳажми ва динамикасини баҳолаш борасидаги илмий - амалий қарашлар (Р.Голдсмит, Дж.Кендрик, А.Вайнштейн, Л.Нестеров, Е.Бухвальд, Н.Федоренко, В.Фальцман, бошқалар). МХТ доирасида миллий бойликнинг классификацияси ва Ўзбекистон Республикасидаги миллий амалиёт. БМТ ва Жаҳон Банкнинг Миллий бойликнинг таркиби, ҳажми, структураси ва динамикасини ҳисоблаш борасидаги янгича ёндашувлари (Ж.Диксон ва К.Хамилтон). *Активлар ва пассивлар баланси (БМТнинг 1993 йилдаги МХТи стандарти)*. Мамлакат миллий бойлиги. Ишлаб чиқарилган (физик) капитал: моҳияти, таркиби, баҳолаш ва динамикасини статистикада ўрганилиши.

Асосий фондларнинг макроиктисодий статистикаси. Асосий фондларнинг классификацияси, баҳолаш ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари. Асосий фондларнинг ҳолати, ҳаракати ва товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланиш кўрсаткичлари. Меҳнатни асосий фондлар билан қуролланиши, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ва хизматларни асосий фондларга талабчанлиги кўрсаткичларини биргаликда ўрганиш. *Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг (тармоқ, йиғма) кўрсаткичлари. Айланма капитал статистикаси.*

*Табиий капитал: моҳияти, таркиби, миллий бойлик ҳажмини ҳисоблашда уни баҳолаш методлари.*

Инсон капитали. ХХІ асрда инсон капиталининг иқтисодий ўсиш ва ривожланишдаги аҳамиятини ўзгариши. Инсон капитали статистикасининг услубият ва ташкилий жиҳатлари. Ўзбекистон республикасида миллий бойлик статистикасини аҳволи, жонлантириш ва ривожлантириш муаммолари.

### **Ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад статистикаси**

Халқ хўжалиги баланси ва Миллий ҳисоблар тизимининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари. Ялпи ишлаб чиқариш, оралик истеъмол, қўшилган қиймат, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад ва бошқа кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг мазмуни ва аҳамияти. Мамлакатнинг иқтисодий потенциали, ривожланиши даражасини баҳолашда ва ҳамда халқаро таққослашларда қўлланиладиган марказий кўрсаткич - ЯИМдир.

ЯИМ ҳажмини ҳисоблаш методлари: ишлаб чиқариш (ялпи қўшилган қийматлар йиғиндиси), пировардида фойдаланиш ( $GDP_{C+I+G+Xp}$ ) ва тақсимот (бирламчи даромадларни йиғиндиси) методлари. *Экологик ЯИМни*

*ҳисоблаш муаммолари. Пинхона иқтисодиёт: фаолият турлари ва кўлами. Пинхона иқтисодиёт ҳажмини статистикада ҳисоблаш методлари. ЯИМ ҳажмини ҳудудлар (регионлар) бўйича ҳисоблаш муаммолари ва уларнинг ечимлари.*

ЯИМ ҳажмини ишлаб чиқариш методида ҳисоблаш. Халқ хўжалиги тармоқлари, секторлари, блокларида ва ҳудудларида ялпи ишлаб чиқариш, ялпи ва соф қўшилган қиймат кўрсаткичларини ҳисоблаш хусусиятлари.

ЯИМ ҳажмини ўзгармас (солиштирма) баҳоларда баҳолаш методлари (баҳо индекси орқали дефляторлаштириш, иккиёклама дефляторлаштириш, базис (таянч) даври кўрсаткичини физик ҳажм индекси ёрдамида экстраполяция қилиш ва бошқа методлар). ЯИМ ҳажмини АҚШ долларларида (расмий алмашув курси ва PPP\$ - валютани харид қобилияти паритети асосида) қайта баҳолаш. ЯИМнинг ҳажмини ва унинг қисмларининг халқаро таққослаш методикаси.

ЯИМ ҳажми ва динамикасини фактор анализи. Бўлинмаган қолдиқ, уни факторлар ҳиссасига бўлиш (тақсимлаш) муаммолари.

Миллий даромад статистикаси. Ялпи ва соф миллий даромад. Миллий иштиёрдаги даромад ва бошқалар.

### **Молия ва баҳонинг макроиқтисодий статистикаси**

